Кимки мунажжимликдан бир озгина ўрганса, демак у сеҳрдан бир оз ўрганибди. Зиёда бўлгани зиёда бўлаверади», дедилар».(Яъни мунажжимлиги кўпайгани сайин сеҳргарлиги ҳам кўпаяди)

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Кимки мунажжимликдан бир озгина ўрганса, демак у сеҳрдан бир оз ўрганибди. Зиёда бўлгани зиёда бўлаверади», дедилар».(Яъни мунажжимлиги кўпайгани сайин сеҳргарлиги ҳам кўпаяди)
[Саҳиҳ] [Абу Довуд, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда ким юлдуз ва буружлар илмини ўрганса, унинг ҳаракатларини, кириши ва чиқишини ердаги фалончининг келажакда ўлими, ҳаёти, касал бўлиши ва шу каби нарсаларга далил қилишни ўрганса, дархақиқат сеҳрнинг бир қисмини ўрганибди. Инсон бу илмдан қанча кўп ўрганса, дархақиқат, сеҳрдан ўшанча кўпайтирибди.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/5989